



27.01.2022 даги

" SHERMATOVICH" МЧЖ ва Бекобод тумани МТБ ўртасида 46050000,00 сўм умумий суммага тузилган 5-сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб
 Шахсий газна ҳисобварақ

251

100022860272207091100251029

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4252300			Жами
Январь	46 050 000,00			46 050 000,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	46 050 000,00			46 050 000,00

Жами 46050000,00 сўм

Қирк олти миллион эллик минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 13815000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан
 _____ % ***20 _____ ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига _____ % жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

(имзо)

Курбанов Б.
 Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Юлдашева Г.
 Ф.И.Ш.

Газначилик бўлинмасининг
 ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими
 қабул қилди

(имзо)

« _____ » _____ 20 _____ й.

« _____ » _____ 20 _____ й.

Бекобод тумани

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи Бекобод тумани Мактабгача таълим булими низом асосида фаолият олиб борувчи Б Курбанов бир томондан ва бундан буён "ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ" деб аталувчи "Shermatovich" МЧЖ низом асосида фаолият олиб борувчи Шерматов А иккинчи томондан ушбу контрактни куйидагилар тўғрисида туздилар.

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни қабул қилади ва тўлайди, Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Бирлик учун нархи	Умумий қиймати
1	Олма	кг	3070	15000	46050000
2	Жами				46050000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси (46050000) Кирк олти миллион эллик минг сум сўмни ташкил қилади (ҚҚС билан ёки ҚҚС сиз) (сумма ҳарфлар билан).

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур контрактни газначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб 20 календар куни ичида конунчилиққа мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30% микдориди (шартнома суммасидан 30% микдориди) олдидан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг 60 календар куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. "Етказиб берувчи" аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб- 3 календар куни ичида юқорида келтирилган барча товар (иш, хизматлар)ни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. "Етказиб берувчи" амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. "Буюртмачи" товарларни қабул қилишда "Етказиб берувчи" иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманомада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра куйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни бегараз бартараф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

- "Буюртмачидан" олдидан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиқда кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан жойлаштирилган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиқидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 5 - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилиқига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

4. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

4.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупсияга қарши кураш талаблари, шужумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қафолатлайди.

4.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи" га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни қафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб,

“Етказиб берувчи”нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

5.1. Буюртмачи: Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўлапишини талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.5. Етказиб берувчи: Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

5.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар нагизасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлик озод бўладилар.

7.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

7.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

7.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

9. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1. Мазкур контракт газначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 й. “31” декабригача амал қилади.

9.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

9.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугатиш томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи
Ташкилот номи : “Shermatovich” МЧЖ
Манзил: Бекобод туман
ИНН: 306578731
ОКОНХ
Х.р.: 20208000905116406001
Банк: Узсаноат қурилиш банк
МФО: 01100
Раҳбар: Шерматова
(Имзо)

Буюртмачи
Бекобод тумани Мактабгача таълим бўлими
Манзили Тош вилояти Бекобод тумани Боғишамол
Ш/хв 100022860272207091100251029
ИНН 207267464 ОКОНХ 98100
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги
Банк: Марказий банк ББ ХККМ Тошкент ш.
Х.р.: 23402000300100001010
МФО: 00014 ИНН: 201122919
Раҳбар: Курбанов Б
ИМЗО (Ф.И.Ш)

Тижорат таклиф

"Shermatovich" MЧЖ

томонидан еввар ойи учун етказиб бериладиган

дму. обхат маҳсулоты учун тижорат таклифи

«27» «еввар» 2022 й

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи (Сум)
1	<i>Дилла</i>	<i>м</i>	<i>1</i>	<i>15000</i>
2	<i>сарис</i>	<i>м</i>	<i>1</i>	<i>37000</i>
3	<i>шакар</i>	<i>м</i>	<i>1</i>	<i>9300</i>
4	<i>ун</i>	<i>м</i>	<i>1</i>	<i>5500</i>
5				
6				
7				
8				
9				
10				
11				
12				
13				
14				
15				



Рахбар

Му

М. Шерматов

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA

№ _____

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Bekobod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi va "Shermatovich" MChJ bilan tuzilgan № 5-sonli shartnomasi to'g'risida.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Bekobod tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 24 yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan. (*xujjat raqami GD78125774*).

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bosh yuriskonsult



B.I.Inomjonzoda.

2022 yil 27 yanvar